



КЎМИР САНОАТИ ВА АТРОФ-МУҲИТ ИФЛОСЛАНИШИ

Нуруллаева О.Н., Садуллаева Х.А., Mamaroziqova M.A., Aliyeva R.H.

Республикамизда кўмир қазиб олиш 4 та кўмир конида амалга оширилади. Ўзбекистон дунёда кўмир захираси бўйича 27-ўринни эгаллайди. Маълумотларга кўра мамлакатимизда 1,5 млрд тонна кўмир захираси мавжуддир. 1990 йил бошларидан кўмир саноатида кенг миқёсда реформалар жорий этилган бўлиб, энергетик соҳадаги ўзгаришлар билан боғлиқдир.

Ўзбекистонда тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш ҳисобига энергетик потенциални оширишга алоҳида эътибор қаратилиши иқтисодиётда кўмрдан фойдаланишни вақтинча кенгайтиришга олиб келди. Кўпгина ижтимоий соҳанинг 5 мингдан ортиқ объектларида локал иситиш тизимларини кўмир ёқилғисидан фойдаланишга ўтказиш режаси тасдиқланган. Ҳозирда кўмир Ангрен, Шаргун, Бойсун ва Кугитанг кўмир конларида қазиб олинади. Бунда кўмир қазиб олиш жараёнида инсон учун зарарли бўлган моддаларнинг ҳосил бўлади. Бу эса атроф муҳит объектларининг ифлосланишига олиб келади.

Ангрен шаҳри Ўзбекистон Республикасининг Тошкент вилоятида, Чирчиқ дарёсининг юқори оқимида жойлашган бўлиб, пойтахт Тошкентдан 100 км шарқда, тоғли ҳудудда жойлашган. Ангрен йирик саноат маркази ҳисобланади. Бу ерда Республикадаги йирик кўмир кони жойлашган бўлиб йилига тахминан 100 минг тоннага яқин кўмир, каолин каби минераллар қазиб олинади. Ангрен кўмир конида асосан очиқ усулда кўмир қазиб олинади. Шу туфайли экологик вазиятнинг кескинлашиши кузатилади. Ангрен кўмир конига яқин жойлашган бир қанча маҳаллалар ва аҳоли яшаш пунктлари мавжуд. Ушбу ҳудудлар кўмир қазиб олиш ва қайта ишлаш жараёнларининг бевосита таъсирида бўладилар. Ушбу ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳолининг хонадонларига кириб борсангиз кўмир кули “ёғаётганига” гувоҳ бўласиз.

Яқинда ювилган кирлар ҳовлига ёйилганда устига “қора” парлар ўтириб олиши бу ҳудудда нафас олиш орқали, нафас йўлларида кўмир кириб боришини ҳам ҳис этиш мумкин. Бу кўзга кўринган заррачалар кўмир қазиб олиш билан боғлиқ, лекин бу ҳудудда кўмрдан бошқа минераллар ҳам қазиб олинади. Бу ҳудудда жойлашган йирик саноат корхоналари, жумладан кўмир конлари ва электр станциялари туфайли атмосферага чиқаётган зарарли моддалар даражаси юқори.

Ангрен ҳудудида кўмир қазиб олиш жараёнида ҳавога турли кимёвий моддалар, жумладан, карбонат ангидрид ва олтингугурт оксидлари чиқади, бу эса нафас олиш йўлларида салбий таъсир қилади, айниқса болалар орасида нафас олиш касалликлари турли аллергия касалликларга чалинишига олиб келади.

Ҳозирда атмосферанинг ифлосланиши туфайли аллергия касалликларнинг ортиши ринит ва бронхит астма каби респиратор аллергиянинг кўпайиши Ангренда салмоғи янада ортган. Шунингдек, атроф-муҳитнинг ифлосланиши

иммун тизимининг заифлашуви ҳам олиб келмоқда. Бу эса организмни турли аллергияга олиб келувчи моддаларга нисбатан сезгир қилиб қўяди. Айниқса, болалар ва кексалар каби заиф гуруҳлар ифлос ҳаво таъсирига кўпроқ сезгирдир. Жумладан, 2017-2024 йиллар орасида 759 нафар 0-18 ёшдаги болаларга турли касалликлар бўйича, турли муддатларга ногиронлик берилган бўлса эътиборга молик жиҳати шуки, инфекцион аллергия касаллик астма ва бронхоэктаз касаллик билан ногиронлик берилиши йилдан йилга кўпайган. Бу кўрсаткич 2020-йилда 1 дон астма касаллиги билан ногиронлик берилган бўлса, 2021-йилда 3 тага, ҳозирги вақтга келиб яъни 2017-2024 -йилларда 9 нафарга етди. Болалар орасида нафас йўллари касалликлари билан хасталаниш Ангрен ҳудудида ошиб бормоқда.

Узоқ йиллар мобайнида ифлосланган ҳаводан нафас олиб юрган инсонларнинг туғилаётган фарзандлари, атроф - муҳитга нисбатан юқори сезувчанлик билан дунёга келиши табиий ҳол. Шу туфайли ҳам Ангрен шаҳри ҳудудида болалар орасида юқори нафас йўллари касалликлари ва турли аллергия касалликларга мойил болалар кўпайган.

Бугунги кунга келиб Ангрен кўмир кони кенгайтирилиши муносабати билан унинг атрофида жойлашган аҳоли яшаш пунктлари “розилик хати” асосида, компенсация тўланган ҳолда, бошқа ҳудудларга кўчириляпти. Албатта, ҳаво сифатини яхшилаш учун Ўзбекистоннинг турли шаҳарларида бўлгани каби Ангренда ҳам атмосфера ҳавосини мониторинг қилиш лойиҳалари амалга оширилмоқда. Юқоридаги сай-ҳаракатлар натижаси сифатида 2024-йил октябр ойи маълумотларига кўра, Ангренда атмосфера ифлосланиш индекси (АИИ) 3.51 га тенг бўлган, бу даража “паст” ва “ўртача” ифлосланиш оралиғида туради. Бу эса кўрсаткичлар янада яхши томонга ўзгарганини кўрсатади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. Akhmadaliev, N. O., Salomova, F. I., Sadullaeva, K. A., Abdukadirova, L. K., Toshmatova, G. A., & Otajonov, I. O. (2021). Health state of teaching staff of different universities in the Republic of Uzbekistan.
2. Саломова, Ф. И., Искандарова, Г. Т., Садуллаева, Х. А., Шарипова, С. А., Шерқўзиева, Г. Ф., Нурматов, Б. Қ., & Садирова, М. К. (2022). Атроф муҳит ва инсон саломатлиги мутахассислиги амалий кўникмаларни ўзлаштириш бўйича” услубий кўрсатма.
3. Саломова, Ф., Садуллаева, Х., & Кобилжонова, Ш. (2022). Гигиеническая оценка риска развития аллергических заболеваний кожи у детского населения. *Актуальные вопросы профилактики стоматологических заболеваний и детской стоматологии*, 1(01), 88-91.
4. Ниязова, О. А., & Хайитов, Ж. Б. (2018). Гигиеническая оценка питания учащихся медицинских колледжей. *Прикладные информационные аспекты медицины*, 21(3), 63-66.
5. Akhmadaliev, N. O., Imamova, A. O., Niyazova, O. A., Muratbayeva, A. P., & Umarov, B. A. (2023). HYGIENIC CHARACTERISTICS OF HARMFUL FACTORS OF WORKING CONDITIONS OF INFECTIOUS DISEASES DOCTORS.

6. Niyazova, O. A., & Imamova, A. O. (2023). Improving the organization of the provision of medical services and the Digital environment. *European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 3(02), 41-46.
7. Саломова, Ф. И., Шеркушева, Г. Ф., Садуллаева, Х. А., Султанов, Э. Ё., & Облокулов, Л. Г. (2023). Загрязнение атмосферного воздуха города алмалык. *Медицинский журнал молодых ученых*, 5(01), 142-146.
8. Садуллаева, Х. А., Саломова, Ф. И., Мирсагатова, М. Р., & Кобилжонова, С. Р. (2023). Проблемы загрязнения водоемов в условиях Узбекистана.
9. Тухтаров, Б. Э. (2008). Белковая обеспеченность профессиональных спортсменов, занимающихся борьбой кураш. *Вопросы питания*, 77(1), 46-47.
10. Ахмадалиева, Н. О., Саломова, Ф. И., Садуллаева, Х. А., Шарипова, С. А., & Хабибуллаев, С. Ш. (2021). Заболеваемость преподавательского состава ВУЗа технического профиля. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(10), 860-871.
11. Саломова, Ф. И., Садуллаева, Х. А., & Самигова, Н. Р. (2022). Загрязнение атмосферы соединениями азота как этиологический фактор развития СС заболеваний г. ООО" TIBBIYOT NASHRIYOTI MATBAA UYT.
12. Salomova, F. I., Sadullayeva, K. A., & Toshmatova, G. (2024). MODERN SOLUTIONS FOR CLEANING WASTEWATER FROM CAR WASHES. *Central Asian Journal of Medicine*, (1), 5-12.
13. Юлдашева, Ф. У., Тошматова, Г. А., & Шигакова, Л. А. (2023). ГЛАВА 14. ОКАЗАНИЕ МЕДИКО-СОЦИАЛЬНОЙ ПОМОЩИ НАСЕЛЕНИЮ. *ББК 60 C56*, 164.
14. Salomova, F. I., Hakimova, D. S., Ashurboyev, F. A. O. L., & Toshmatova, G. Z. A. (2022). COVID-19 PANDEMIYASI DAVRIDA BOLALAR VA O' SMIRLARNING KUN TARTIBI VA SALOMATLIK HOLATI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(4), 465-474.
15. Niyazova, O. A., Jalolov, N. N., & Khairullaeva, L. G. (2023). STUDYING THE ACTUAL NUTRITION OF STUDENTS OF TECHNICAL INSTITUTIONS (UZBEKISTAN, GERMANY). *European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 3(02), 35-40.
16. Саломова, Ф. И., & Садуллаева, Х. А. (2017). Экология человека в медицинском образовании. *Молодой ученый*, (22), 425-427.
17. Абдумаликова, И. А., Садуллаева, Х. А., Мадумаров, Д. Н., Иванина, В. А., & Гусарова, М. А. (2019). Ремоделирование венозного русла и миокарда крысы под сочетанным действием высокогорья и открытой распределительной установки мощностью 35 кВт. *Вестник Кыргызско-Российского Славянского университета*, 19(5), 99-103.
18. Ниязова, О. А., Ахмадалиева, Н. О., Валиулин, Р. И., & Болтаев, М. М. (2022). Comparative assessment of nutrition of university students of medical and non-medical profile (Doctoral dissertation, European multidisciplinary journal of modern science).
19. Jalolov, N. N., Niyazova, O. A., & Khairullaeva, L. G. (2023). Studying the actual nutrition of students of technical institutions (uzbekistan, germany).

20. Khalmatova, B., Mirrakhimova, M., Tashmatova, G., & Olmosov, R. (2017). Efficiency of the usage of antagonists of leukotrienic receptors at children with bronchial asthma. In *International Forum on Contemporary Global Challenges of Interdisciplinary Academic Research and Innovation* (pp. 291-296).
21. Akhmadaliev, N. O., Salomova, F. I., Sadullaeva, K. A., Abdukadirova, L. K., Toshmatova, G. A., & Otajonov, I. O. (2021). Health state of teaching staff of different universities in the Republic of Uzbekistan.
22. Imamova, A. O., & Toshmatova, G. O. (2023). Protecting works and hygienic assessment of nutrition of preschool children in Tashkent. *European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 3(02), 47-50.
23. Imamova, A. O., Salomova, F. I., Axmadaliev, N. D., Toshmatova, G. A., & Sharipova, S. A. (2022). Ways to optimize the formation of the principles of a healthy lifestyle of children. *American Journal of Medicine and Medical Sciences*, 12(6), 606-608.
24. Niyazova, O. A., & Mirsagatova, M. R. (2024). THE STUDY OF RISK FACTORS FOR THE DEVELOPMENT OF CARIES IN PUPILS OF THE FIRST GRADES IN SECONDARY SCHOOLS.
25. Ниязова, О. А., Саломова, Ф. И., & Ахмадалиева, Н. О. ИЗМЕНЕНИЯ СОСТОЯНИЯ ЗДОРОВЬЯ ШКОЛЬНИКОВ, ВОЗНИКАЮЩИЕ ПРИ НЕПРАВИЛЬНОЙ ПОСАДКЕ. *ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ*, 196.
26. Niyazova, O. A. (2018). STUDY OF THE INFLUENCE OF PHYSICAL EDUCATION ON THE FUNCTIONAL STATE OF THE ORGANISM OF PUPILS OF COMPREHENSIVE SCHOOLS. *Medical Scientific Bulletin of Central Chernozemye (Naūčno-medicinskij vestnik Central'nogo Ćernozem'â)*, (73), 54-58.
27. Ниязова, О. А., & Хайитов, Ж. Б. (2018). оСновные ПРИЧИНЫ ПИЩЕВЫХ оТравлений у ДеТей. *Детская медицина Северо-Запада*, 7(1), 234-234.